

Абдурахмон ибн Абу Бакр сиддиқ розияллоху анху

19:26 / 21.04.2017 3697

Абдурахмон розияллоху анху Абу Бакр Розияллоху анхунинг тўнғич ўғли бўлиб, жоҳилият даврида уни Абдул-Каъба дейишар эди. Оиша розияллоху анҳо ва Абдурахмон розияллоху анҳулар туғишган ака-сингил бўлганлар. Кейинчалик Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга Абдурахмон деб мурожаат қила бошладилар.

Абу Бакр розияллоху анхунинг олтита фарзанди бўлиб, фақатгина Абдурахмондан бошқалари отасидан кейиноқ Исломни қабул қилган эдилар. У эса Бадр жангида мушриклар томонида туриб иштирок этди. Уҳуд куни эса жанг олдидан яккама-якка курашиш учун мусулмонлардан ўзига рақиб чорлади. Унинг бу чақириғига отаси Абу Бакр розияллоху анху жавоб қилмоқчи бўлди. Лекин Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бунга йўл қўймадилар.

Ҳидоят нурлари Абдурахмоннинг қалбини ёритди. У нур қалбни жаҳолат зулматидан қутқарди. Аллоҳнинг ҳидояти уни Мадина томон бошлади. Макка фатҳидан биров олдин, Ҳудайбия сулҳи арфасида мусулмон бўлиш шарафи унга насиб этди. Бундан отаси Абу Бакр сиддиқ розияллоху анху жуда кувонди. Ниҳоят унинг тўнғич фарзанди Пайгамбар алайҳиссаломга эргшиб, саҳобалар қаторида ўзига муносиб жой эгаллади. Исломни қабул қилган Абдурахмон розияллоху анхунинг ҳаёти янги тус, янги мазмун касб этди. У мақтовга сазовор мусулмонлардан бирига айланди. У самимий, бир ишни амалга оширишда қатъият билан ҳаракат қиладиган, хушомаддан йироқ, ихлосли, солиҳ, доимо ҳақни айтадиган шахс эди. Абу Мусайяб ундан ҳечқачон ёлғон сўз, ҳаракат ва амаллар содир бўлмаганини айтади. Бу хислатларнинг барчаси ҳаётининг жавҳари эди. Мана шундай фазилатлари билан одамлар эътиборини, ҳурматини қозонди. У Қурайш кавмининг ботири, моҳир мергани, ўз замонасида араб жазирасининг чавандози бўлиши билан бир қаторда, машҳур шоир ҳам эди. У зотнинг оиласи бошқаларда топилмаган бир фазилат билан ажралиб турарди. Яъни, унинг хонадонидан турт авлод: бобоси Абу Қуҳофа, отаси Абу Бакр сиддиқ, ўзи ва ўғли Абу Атиқ Муҳаммад розияллоху анҳум Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга саҳоба бўлиш бахтига мушарраф бўлганлар.

Абдурахмон розияллоҳу анҳу ҳам отаси Абу Бакр сиддиқ розияллоҳу анҳу сингари бор куч-қувватини мусулмонлар учун фойдали ишлар қилишга сарфлади. Ривоят қилишларича, бир араб аёли Абдурахмон розияллоҳу анҳунинг олдига келиб, бундай шикоят қилади: “Ҳузурингга баланд-пастликлардан иборат кенг ердан келдим. Чўл мени оздириб, суягимни мўртлаштирди ва ғамга ботириб юборди. Оилам ва болаларимдан жудо бўлдим. Шундан сўнг юртим менга торлик қилди. Бошпана берадиган қариндош ҳам, ҳимоя қиладиган қавмим ҳам йўқ. Мен араб маҳаллаларидан саховатпеша, айб-нуқсонлардан ҳоли, кўпларга яхшилиги теккан, сўраган кишини қуруқ қайтармайдиган инсон ҳақида суриштирдим. Сенга йўллашди. Ҳавозинлик бир аёлман. Шунинг учун ё шикоятларимни қондирасан, ёки юртимга жўнатиб юборасан”. Абдурахмон розияллоҳу анҳу: “Барча сўраганларинг амалга оширилади”, деб айтди.

Абдурахмон розияллоҳу анҳунинг саботи ва қаҳрамонлиги Мусайлама каззоб ва муртадларга қарши жанг майдонларида катта рўл ўйнади. Аҳли риддани ҳимоя қилган Муҳаккам ибн Туфайлни енгиб тарафдорлари тарқалиб кетишига эришди.

Абдуллоҳ ибн Нофе ибн Собит Жубайрий айтади: “Муовия одамларни ўғли Язидга мажбуран байъат қилишга чақирди. Абдурахмон розияллоҳу анҳу бундан бош тортди. Бундан кейин Муовия унга минг дирҳам билан бир одамни юборди. саҳобий розияллоҳу анҳу уни рад этиб: “Мен динимни сотмайман”, деб Мадинадан чиқиб кетди”.

Саҳобий розияллоҳу анҳу пайғамбар алайҳис саломдан саксонга яқин ҳадис ривоят қилган. Ундан ўттизтаси муттафақун алайҳ даражасига етган. У зот розияллоҳу анҳу ҳадисларни Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан, отасидан ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни ўғли Абдуллоҳ, жияни Қосим ибн Муҳаммад, Абу Усмон ан-Наҳдий ва бошқалар ривоят қилганлар.

Абдурахмон ибн Абу Бакр сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳижрий 53-сана, милодий 675-йили Маккадан ўн мил узоқликдаги Хубшуй(баъзи манбаларда Ҳабаший) деган жойда тўсатдан уйқусида вафот этди ва Маккага келтирилиб дафн этилди. Оиша розияллоҳу анҳо акасининг вафотини эшитиб зудлик билан Макка томонга йўл олди ва етиб бориб: “Агар олдингизда бўлганимда сизни вафот этган жойингизда дафн қилган бўлардим, йиғламасдим ҳам”, деган экан.

Имом Бухорий номли Тошкент ислом

институти 1-босқич талабаси

Эргашов Ҳасанбой тайёрлади